

Охират учун амал қил. Дунёингни ҳам унутма!



15:00 / 01.06.2021 6227

Ва Аллоҳ сенга берган нарса билан охиратни изла, бу дунёдаги насибангни ҳам унутма. Аллоҳ сенга яхшилик қилганидек, сен ҳам яхшилик қил. Ер юзида бузғунчиликни истама. Албатта, Аллоҳ бузғунчиларни суймас», - дедилар.

Аллоҳ таоло берган молу дунёга қандай муносабатда бўлиш кераклиги ушбу ояти каримада ўз аксини топган. Муслмон банда қўлига молу дунё тушганда, ўзини худди шу оятга мос тутмоғи лозим.

«...Аллоҳ сенга берган нарса билан охиратни изла...»

Муслмон одам, аввало, Аллоҳ берган молу дунё билан охиратни излашга интилади. Яъни молу мулкини шариатда кўрсатилган, охиратда фойда

берадиган жойларга сарфлайди. Ҳаром-хариш, гуноҳ, фисқу фужур ва беҳуда ишларга сарф этмайди. Чунки беҳуда ишларга сарфланган молу дунё бу дунёда ҳам, у дунёда ҳам фойда бермайди. Аксинча, икки дунёда ҳам зиён келтиради. Лекин мусулмон одам охиратни ўйлаб, бу дунёсини тарк қилиб, унутиб ҳам юбормайди.

«...бу дунёдаги насибангни ҳам унутма».

Бу дунёда ҳам яхши яшаб, Аллоҳ берган молу дунёдан ҳалол йўл билан, такаббурлик қилмай фойдаланади. Чунки Аллоҳ таоло ҳалол-пок ризқларни бандалар фойда, ҳузур ва лаззат олишлари, сўнгра уларни берган Зотга шукр қилишлари учун яратган. Ана шунда тавозуъли, ширин ва бахтли-саодатли ҳолга эришилади.

«Аллоҳ сенга яхшилик қилганидек, сен ҳам яхшилик қил».

Ҳалол-пок молу дунё Аллоҳнинг бандасига берган ҳадяси ва яхшилигидир. Ўша илоҳий неъматдан баҳраманд бўлган ҳар бир банда бошқа одамларга ҳам яхшилик қилиши керак. Турли сабабларга кўра ноқулай иқтисодий ҳолатга тушиб қолган биродарларига ёрдам бериши, бева-бечора, фақир-мискинларнинг ҳолидан хабар олиши, мусулмонлар манфаати йўлида хайру эҳсонлар қилиши шу жумладаги ишлар қаторига киради.

«Ер юзида бузғунчиликни истама. Албатта, Аллоҳ бузғунчиларни суймас».

Молу дунёга қувониб, унга ишониб, бузғунчиликка – фасод ишларга берилиш ҳеч тўғри келмайди. Аллоҳ бузғунчиларни хуш кўрмайди. Шунинг учун улар икки дунёда хору зор бўладилар.

Аммо молу дунё кўлига тушган одамларда диндорлик, тақво бўлмаса, ҳовлиқиб кетадилар, дарров бузғунчилик қилишга киришадилар. Қорун ҳам ўшандай нафси бузуқ, насиҳат кор қилмайдиган, молу дунё қутуртирган одамлардан эди.

Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф

(Тафсири Ҳилол китобидан)